

Семинар-анжуман бўлиб ўтди

Тошлоқ тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлимида "Кундалик АТТ" дан фойдаланиш бўйича ўрганишлар ўтказиш ва таълим жараёнида kundalik.com тизими билан ишлаш самарасини ошириш мақсадида тизим администраторлари, фан метод бирлашма раҳбарлари ва мактаб маъмурияти учун семинар ўтказилди.

Тадбирда "Кундалик АТТ" методик бўлим раҳбари Гулнорахон Исмоилова, вилоят АҚТни жорий этиш ва рақамлаштириш бўлими бошлиғи Жахонгир Жўраев, туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Абдумажид Солиев ва АҚТни жорий этиш ва рақамлаштириш бўйича методист Шавкатжон Умаровлар иштирок этди.

Семинар-анжуманда тизим администраторлари ва мактаб маъмуриятига баъзи мактаблар томонидан тизимда йўл кўйилган камчиликлар тақорорланмаслиги учун муҳим кўрсатмалар бериб ўтилди. Шунингдек тизимда ўз фаоллиги билан kundalik.com тизимини самарали юритиб келаётган бир қанча тизим администраторларига "Кундалик АТТ" томонида ташаккурномалар билдирилди.

2023-05-16 13:36:45